

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС МУАММОСИ

Қўчқорова Дилноза Шербобоевна

Бабаева Камола Атакановна

Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети,

Амалий психология йўналиши 3-курс талабалари

email: kamolaboboeva6@gmail.com

Аннотация: Мақолада шахс ва индивид тушунчаси, ижтимоий психологияда шахслараро муносабатлар, бу борада чет давлатлар ва республикамизда олиб борилган илмий изланишлар натижалари, шахслараро муносабатлардан келиб чиқадиган муаммоларнинг сабаблари, муаммоларнинг ички ва ташқи омиллари ҳамда ечими ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганишда психодиагностик тестлардан ва методлардан фойдаланиш зарурияти, гурух, жамоа ва оиласдаги шахслараро муносабатларни ўрганиш методикаларидан бири социометрик методика ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий мухит, шахс, индивид, шахслараро муносабат, моҳият, психологик ёндошув, инсоннинг руҳий ҳолати, муаммо, ечим, психодиагностика, социометрик методика.

PERSONALITY PROBLEM IN SOCIAL PSYCHOLOGY

Kochkarova Dilnoza SHerboboevna

Babaeva Kamola Ataxanovna

National University of Uzbekistan

3rd year students Practical Psychology

email: kamolaboboeva6@gmail.com

Abstract: The article discusses the concept of person and individual, interpersonal relationships in social psychology, the results of scientific research in foreign countries and in our country, the causes of problems arising from interpersonal relationships, internal and external factors and solutions to problems. There is also information about the need to use psychodiagnostic tests and methods in the study of individual psychological characteristics of individual, one of the methods of studying interpersonal relationships in the group, community and family, the sociometrist method.

Keywords: Social environment, personality, individual, interpersonal relationships, essence, psychological approach, human mental state, problem solving, psychodiagnostics, sociometric methodology.

Биз турли хил жамиятда яшар эканмиз, инсонлар турли хил психологик хусусиятлар ва уларнинг мажмуига эга бўлади, шу аснода шахс деган тушунча пайдо бўлади.

Замонавий психологияда инсон омили, шахсни ўрганишнинг жуда кўплаб воситалари мавжуд. Шахс тушунчаси психологияда энг кўп қўлланадиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча ҳодисалар моҳиятан айнан шу тушунча атрофида келтириб ўтилади. Шу ўринда айтиб ўтишимиз жоизки, Психологияда **шахс** ва **индивид** тушунчаси мавжуддир. Шахс ва индивид тушунчаларини фарқлаш шахсни таҳлил қилиш учун имконият яратади. Индивид тушунчасида биологик турга мансублик, насл-насаб ҳам мужассамлашган. Шахсни ўзига хос хусусиятлари индивиддан кескин фарқланади. Баъзан шахс алоҳида индивид деб қаралади. Шунга кўра баъзи ҳолатларда иккаласи алоҳида тушунча сифатида кўрилиши ҳам мумкин. Шахснинг алоҳида сифатлари шундаки: тўлақонли ўзини англаб етган, яъни онгли, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун харакат қилувчи, салоҳиятли ҳамда руҳий ҳолати етук бўлган, психологик жиҳатдан ўзини бошқара олиш хусусиятига эга инсон сифатида қаралади.

Ҳар бир индивидда руҳий ҳолатнинг ўзи бир тизим бўлиб, биологик ва физиологик жиҳатлар асосида вужудга келади. Демакки, шахс индивиддан устун бўлган ҳолатда идрок этиш ҳамда фикр юритиш (тафаккур қилиш)га эга бўлади.

Инсон руҳий олами қонуниятлари билан қизиққан хар қандай олим ёки тадқиқотчи ҳам шахснинг ижтимоийлашуви ва айнан жамият билан бўлган алоқаси масаласини четлаб ўтолмаган.

Шахсни ўрганиш нафақат психология, балки фалсафа, юридиқ, педагогика, социология, криминология, медицина ва бошқа фанлар томонидан ҳам ўрганилади. Шу боис шахс ўзини англаб етган инсон сифатида ўз муаммоларини ўзи тушуниб этиши, гурӯҳлараро муносабатларда ўзига ва ўзгаларга қандай муомала қилиш кераклигини англаб этиши лозим. Шу ўринда эслатиш жоизки, ижтимоий ҳаётда шахслараро муносабатларда айrim ҳолларда низолар, ўзаро келишмовчиликлар бўлиб туриши муқаррардир. Низоларни қандай бартараф этиш ижтимоий ҳолатларда ўзига хос усувларда ёндоша олиши бу муаммоларни қай тарзда кескин тус олиши ёки олмаслигига боғлиқ. Шунинг учун баъзи олимлар низоларнинг нафақат салбий, балки ижобий томонлари ҳам бўлиши мумкинлигини эътироф этадилар. Шахс назарияси илмий тадқиқотлар асосида кўпгина олимлару мутафаккирларимиз томонидан кенг қамровли жиҳатдан ўрганилган. Хусусан, Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Ибн Сино, Беруний каби юзлаб шарқ алломалари фалсафий ва ижтимоий сирларни очишга ўзларининг энг дурдона асарларини бағишлиганлар. Бу борада рус, инглиз, немис ва бошқа миллатдаги олимлар ҳам ўзига хос ёндошганлар. Шу жумладан, Карл Рэнсом Роджерснинг фикрича, шахснинг асосий хусусиятлари бу - шахснинг ҳаёт ҳақидаги ўз концепциялариидир. Бу концепция одамнинг ташқи муҳит билан муносабат жараёнида шаклланади. К. Роджерснинг назариясига кўра қуидагилар муҳим аҳамиятга эга:

- шахслараро муносабат тенглилка асосланиши;
- бир киши иккинчисига тайзиқ ўтказмаслиги;
- ҳар бир кишининг мавқеи ҳурмат қилиниши лозим.

Дархақиқат, ростан ҳам К.Роджерс айтганидек, ҳар бир инсон тенглик ҳуқуқига эгадир. Чунки, инсоннинг ҳақ-хуқуқлари, унинг қадр-қиймати паймол қилинмаслиги даркор. Негаки, инсон ўзига нисбатан бериладиган баҳога катта эътибор қаратади. Шу аснода К.Роджерснинг яна бир фикрига эътибор қаратишимиш лозимдир; - шахснинг ўзлигини ўзи ҳақидаги баҳоси ташкил қиласи. Бу баҳо ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлар жараёнида шаклланади.

Умумий психология ва психологиянинг бошқа тармоқларида ўтказилган илмий изланишлар натижасида, асосан, қандай шахсни ижобий шахс деб аташ мумкин деган саволга қисман жавоб топилган. А.В.Петровский ана шундай сифатларнинг бир ярим мингга яқинини аниқлаган, лекин ўша сифатларнинг шаклланишига замин бўладиган гуруҳлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Ижтимоий психологияда ана шу масала кичик гуруҳлар доирасида қисман ҳал қилинган. Я.Л.Коломинский ҳар бир гуруҳнинг ўз қиёфаси бўлиб, у шахс тараққиётiga таъсир кўрсатади деган ғояни илгари суради. В.С.Мерлин ҳам шахслараро муносабатлар шу гуруҳ аъзоларида, шу гуруҳга хос бўлган фазилатларни тарбиялайди деб ёзган. Карл Густав Юнг психоанализ асосчиларидан бири, интроверсия ва экстраверсия, ҳамда 4 та психологик функция (фикрлаш, сезги, интуиция, ҳис қилиш) асосида психологик типлар бўйича изланишлар олиб борган. Курт Левин томонидан шахснинг гуруҳдаги ўрни, мавқеи, лидерлик феномени, оммавий тренинглар ўтказиш ғояси ўрганилган. Америкалик олимлар (У.Томмас, Ф.Знанетский, Г.Олпарт, Лаппер ва бошқалар) эса, ижтимоий установка муаммоси шахснинг аввалги ҳаётий тажрибасига, ундаги ижтимоий тасаввурларга боғлиқлигини ўрганиб, шахс ҳулк-авторини турли шароитларда бошқарувчи механизм эканлигини исбот қилдилар. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир шахсни ўрганишда кўпгина олимлар назариясида ўзига хос ёндошувни кўришимиз мумкин: улар шахснинг турли хил психологик жиҳатларини ўрганишган, ҳиссиёт, ҳолат, онг ости, онг усти, мантиқий фикрлаш, тафаккур қилиш, маълумотларни тақдим

етиш ва қарор қабул қилиш, муаммоларни ечиш каби характер ва хусусиятлар нұқтаи назардан ҳам илмий тадқиқотлар олиб боришиган.

Бизга маълумки, муаммоларга инсоният яралғандан бери то ҳозирги кунга қадар юз бериши мүмкін бўлган ҳодиса сифатида қаралади. Албатта бу табиийдир, бу борада ўз фикримизни келтириб ўтадиган бўлсақ, халқ тили билан айтганда, биздан олдин ҳам бу муаммолар бўлган, афсуски, ҳозир ҳам бор ва бўлади. Шахс муаммоси нафақат гуруҳларда, жамоаларда, балки оилавий шароитларда, шахслараро муносабатларда, ўзаро низолар келиб чиқиши муқаррар. Жумладан, ота-она ёки фарзанд ўртасида, ака-ука ёки опа-сингиллар ўртасида, ёхуд қайнона-келин ўртасидаги низоларни келтиришимиз мүмкін. Ушбу муаммоларни келиб чиқиши сабаблари ўрганилганда, асос сифатида таъкидлашимиз жоизки, психологияк нұқтаи назардан бир шахс бошқа бир шахснинг ёки гуруҳнинг устидан ҳукмронлик қилиши, уларга нисбатан ўта оғир босим ўtkазиши натижасида уларнинг соғлигига жиддий путур етиши қузатилади. Ушбу ҳолатлар юзасидан Америкалик олимлар томонидан бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Эксперимент учун катта тажрибага эга раҳбар ходимлар танлаб олинган ва уларнинг устидан ҳукмронлик қилиниши натижасида уларнинг руҳий ҳолатларига ножӯя таъсир қиласидан ҳатти-харакатлар юзага келган, натижада бу тажриба охиригача олиб борилмаган. Шахслараро муносабатлардан келиб чиқадиган муаммоларнинг сабабларидан яна бири ташқи таъсирлар туфайли оилаларга кириб қолиши мүмкін бўлган омиллардир. Ушбу сабаблар туфайли баъзи ҳолларда ҳаттоки ажралишлар даражасига келиб қолганларини билмай қолишади, ўз ҳаётларини ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қила олмайдиган бўлиб қоладилар. Ушбу ижтимоий тармоқлар уларнинг ҳаётларида ижобий таъсир қилиш билан бир қаторда салбий таъсир қилаётганларини аксарият ҳолларда сезмайдилар. Интернет туфайли хусусан эр-хотин ўртасидаги баъзи можоролар ва шу сабаб бу низолар жуда катта муаммони келтириб чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу жиҳатдан олиб қаралганда инсон ҳаётида рўй берадиган воқеа ёки ходисалардан келиб

чиқадиган айрим муаммоларнинг асосий сабабчиси бу инсоннинг ўзи. Дархақиқат, Яратувчи бу дунёда мавжудотлар ичида инсонни онгли қилиб яратган, шундай экан, ҳар бир инсон ўз ҳаётида келиб чиқадиган турли хил муаммолар қаршисида чорасиз эмас. Ҳар нарсанинг бир ечими бор деганлариdek, муаммоларни ва уларга ечим топиш учун ҳар бир инсон маънавий ва психологик жиҳатдан ўзини тарбиялаб бориши керак. Инсон шуни англаши керакки, ҳар кимса ўзини хурмат қиласагина, сўнгра ўзгани хурмат қила олади. Бунинг учун албатта инсонлар бир-бирига нисбатан ҳурмат, ўзаро тушуниш, шириңсўз, хушмуомала бўлсаларгина барча муаммоларга ҳеч қандай қийинчиликларсиз ечим топа олиши мумкин, яъни шахслар бир бири билан мuloқot қилиш жараёнида ўзларидағи эгоизмни четга суриб қўйишлари лозим. Мақсади бевосита шахсни тарбиялаш ва шакллантириш муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган психологияда ҳозирги вақтда психодиагностик, дидактик тестлар ва бошқа методикалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш учун психодиагностик тестлардан фойдаланиш зарур бўлади. Психологик ва дидактик тестларнинг бир-биридан фарқи шундаки, дидактик тестларда саволларнинг тўғри ва нотўғри жавоб вариантлари берилган бўлади, психологик тестларда эса саволлар чалғитувчи, аксарият ҳолларда бир-бирига мантиқан боғланмагандек берилиши, тўғри ёки нотўғри жавоб эмас, балки самимий ва норасмий жавоблар бўлиши мумкин. Шахсларро муносабатларни аниқлашга мўлжалланган методикаларга Кеттелнинг 16 омилли шахсни ўрганиш тестлари, Г.Ю.Айзенкнинг интеллуктуал тестлари, Д.Векслер тестлари, MMPI, FPI, Дж.Ровен "Прогрессив матрицалари" тести, "Тематик апперцепция" тести (ТАТ), Люшер тести, Лири тести, "амалий интеллект", "визуал интеллект" тести, Роршахнинг "Сиёҳ доғлари" тести, социометрия, К.Н.Томаснинг "Шахс сўровномаси", Т.Д.Дубовицкаянинг "Ўқув мотивациясининг йўналганлигини ташхис қилиш" методикаси, Саул Розенцвейгнинг расмли ассоциациялари (фрустрация) "PF-study" методикаси, Б.Р.Қодировнинг "Қизиқишлилар ҳаритаси" методикаси,

оиланинг кинетик расми методикаси ва бошқа жуда қўплаб методикалар киради. Шуни фахр билан айтишимиз мумкинки, бундай тестлардан республикамиздаги қўплаб психолог тадқиқотчилар Б.Р.Қодиров, Р.И.Суннатова, Н.С.Сафаев, З.Т.Нишонова, К.Б.Қодиров, А.Расулов ва бошқалар ўз тадқиқотларида самарали фойдаланишган. Кейинги йилларда замонавий психологияда шахс ва индивидуал-психологик хусусиятлари, интеллект хусусиятлари, ривожланиш динамикасини ўрганишда ушбу методлар ҳам қўлланилмоқда. Ҳар қандай психодиагностик методика ўз-ўзидан юзага келмайди; ўзи ўрганадиган назария заминида вужудга келади ва ривожланади. Ҳар бир психодиагностик методика айни вақтда ўзи боғлиқ бўлган у ёки бу назария билан бойитилган ва чегараланган бўлади. Психодиагностик методикаларни қўллаш тартиб, талаблари, қоидаларини билиш жуда ҳам муҳим. Бу тартибларга амал қилиш ишончли натижаларни олиш имкониятини берса, уларни бузиш жиддий ҳатоларга олиб келади. Юқорида келтирилган методикалардан амалиётда кенг қўлланилиб келаётган социометрик метод (йўналиш) ҳақида бироз тўхталиб ўтсак. Социометрия сўзи ўлчаш, ўрганиш (социо-жамоа, метрия - ўлчаш) деган маънени англаради. Социометрик методнинг асосчиси - америкалик микросоциолог олим Джон Моренодир. Ижтимоий турмушдаги кичик груп (ишлаб чиқариш, жамоа, оила) аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражаларини ўлчашда қўлланилади. Бу метод ёрдамида групнинг норасмий таркиби ва ундаги психологик муҳитни ҳам аниқлаш мумкин. Мақсад: групдаги шахслараро муносабатларда симпатия яъни ёқиши ва антипатия (ёқмаслик), норасмий муносабатларни тадқиқ этишга мўлжалланган. Жамоа ёки групни ўрганиш учун груп аъзоларига савол берилади. Бу савол социометрик мезон деб аталади. Социометрик мезон груп ҳаёти учун муҳим бўлиши, груп ҳаётини акс эттириши керак. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади. Улардаги миқдор кўрсаткичлари групдаги кишиларнинг шахслараро муносабатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қиласди. Масалан: групдаки жипслик ёки тарқоқликни

аниқлаш, гурух аъзолари орасида симпатия ва антипатияни аниқлаш, гуруҳдаги норасмий ва расмий лидерларни ва яккаланиб қолганларни аниқлаш, гурух аъзоларини ўзаро муносабатларда мавқеини, яъни статусларини аниқлаш. Амалда социометрик методдан меҳнат жамоаларининг ижтимоий ривожланишини бошқаришда, тарбиявий ишларда ва ҳ.к.да кенг қўлланилиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Myers Sushant "Psychology", 2012, Хел коллежи нашриёти
2. Андреева Г.М. "Социальная психология", 2006, Учебник для вузов
3. Фозиев Э. "Умумий психология", Тошкент, 2011.
4. "Социальная психология" Под.ред. А.Н.Сухова, А.А. Деркача, Москва, 2001.
5. Тамотсу-Шибутани "Социальная психология", АСТ, Феникс, 1999.
6. Шихирев П.Н. "Современная социальная психология", Деловая книга, Институт психологии РАН, 2000.
7. Каримова В.М. "Оила психологияси", Тошкент, 2007.
8. Qomus.info онлайн энциклопедия.
9. Умаров Б.М., Рустамова Н.Х. Шахсни ўрганишнинг психодиагностик воситалари ва унга қўйиладиган психологик талаблар. " Замонавий таълим", 2015, 9.